


ТАҚРИЗ

Х. Х. Ҳамидовнинг “Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари” номли монографиясига

ТАҚРИЗ



Сўнгги минг йил давомида географик жиҳатдан ер юзининг турли минтақаларида яшаб келаётган бўлсада, тили, тарихи ва маданиятлари бир-бирига жуда яқин бўлган ўзбек ва турк халқлари нутқида қўлланиб келаётган фразеологизмларнинг турли нуқтаи назардан тадқиқ этилиши фаннинг долзарб масалаларидан бири ҳисобланади. Бу борада Х. Ҳамидовнинг туркча фразеологизмларнинг маъно ва грамматик хусусиятлари чуқур ўрганилган диссертация тадқиқоти алоҳида аҳамият касб этади.

Маълумки, тил тараққиётида лексик-фразеологик бирликларнинг роли бекиёс. Ҳозирги замон турк тилида фаол қўлланиб келаётган фразеологизмлар илмий таҳлилга тортилган тадқиқотда турк тилидаги фразеологизмларнинг ўргани-

лиш тарихи, уларнинг шаклланиши ва грамматик асосланиши хусусида сўз боради. Унда фразеология кенг ва тор маънода тушунилиши, кенг маънода, турғун сўз бирикмаларининг барча турлари, шу жумладан, мақол, матал ва шунга ўхшаш кўчма маъноли бирикмаларни англатиши, тор маънода эса унинг камрови анча торайиши ва фақат идиомалар кўзда тутилиши, бундай нуқтаи назар ўзтиборга олинадиган бўлса, унда катта миқдордаги образли турғун бирикмалар фразеология доирасидан чиқиб кетиши мумкинлигига асосли урғу берилади. Шунингдек, тадқиқотда турк тилидаги фразеологизмлар гурухларга ажратилиб, кўриб чи-қилган.

Фразеологик маънонинг юзага келиши, сўз ва фразеологизм орасидаги семантик муносабатлар, фразеологизмлар орасидаги маънодошлиқ, шунингдек, мақол ва фразеологизмлар орасидаги муносабатлар кўриб чиқилиб, фразеологик маънонинг юзага келишида илк (бирламчи) маъно муҳим аҳамият касб этиши, кўчма маъно ўша бирламчи маънодан шаклланиши ва улар орасидаги боғланиш, муносабатлар маълум бир даражада сақланиб қолиши, воқеаликни акс эттирувчи бирламчи маъно образли тасаввур асосида

кўчма, фразеологик маънога айланниши, кўчма маъно бирикмани ташкил этувчи компонентларнинг лексик маъносидан келиб чиқмаслиги, маънонинг ҳар бир сўзнинг алоҳида маъносидан олиб, кўшилиб эмас, бирикманинг образли, кўчма маъносидан юзага келиб,

қолиплашиши масалаларига тадқиқотда алоҳида урғу берилади.

Юқоридагиларни ҳисобга олиб, X. Ҳамидовнинг “Турк тилида фразеологизмларнинг юзага келиши, маъно ва грамматик хусусиятлари” номли монографиясини нашрга тавсия этиш мумкин.

Қ. Ш. Омонов
Филология фанлари номзоди, доцент